ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мустофақулов Бобур Асрор ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан
Турдиалиев Бегали Муродулла ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 309-ўқув гуруҳи курсанти

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспекторининг оммавий тадбирларни ташкил этишда миллий гвардия органлари билан ўзаро ҳамкорлиги бўйича фаолиятини такомиллаштириш йўллари, ҳамкорликда юзага келаётган муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан фикр ва мулоҳазалар ёритилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, профилактика инспекторлари, оммавий тадбир, миллий гвардия, ҳамкорлик.

Аннотация: В данной статье освещены пути совершенствования деятельности инспектора по профилактике по взаимодействию с органами Национальной гвардии при организации массовых мероприятий, проблемы и недостатки, возникающие в сотрудничестве, а также мнения и предложения по их решению.

Ключевые слова: профилактика правонарушений, инспекторы по профилактике, массовое мероприятие, национальная гвардия, сотрудничество.

Ички ишлар идоралари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Айниқса, одатий ва алоҳида шароитлар (оммавий тадбирлар ўтказилаётган, оммавий тартибсизликлар ва фавқулодда вазиятлар юзага келган вақтлар)да жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Бунда эса ички ишлар идораларининг гуруҳий ва шахслараро муносабатларни жиноий ва бошқа ғайриқонуний тажовузлардан маъмурий-ҳуқуқий ҳимоялашни амалга оширувчи профилактика хизматларининг Миллий гвардия органлари билан ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади. Профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш фаолияти бу – криминоген вазият таҳлили натижа- ларига асосан маъмурий ҳудудда жойлашган жамоат жойларида ва объектларда жамоат

хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган хавф-хатарлар ва таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Сўнгги йилларда ички ишлар органларини чинакам халқчил тузилмага айлантириш борасида амалга ошираётган кенг кўламли ислоҳотларимиз натижасида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик муҳитини ишончли таъминлаш бўйича мустаҳкам замин яратилди. 2025 йилда “Ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш” барча даражадаги раҳбарлар учун энг устувор вазифа этиб белгиланди. Шу мақсадда жиноятлар содир этилиши нуқтаи назаридан вазияти оғир бўлган маҳаллаларга ички ишлар органлари билан биргаликда барча мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот тизимидаги олийгоҳлар бириктирилиб, уларнинг жойлардаги кундалик манзилли фаолияти ва хавфсиз муҳит яратишга қаратилган “ягона фаолият занжири” яратилди”[1] деб бежизга таъкидламаганлар.

Миллий гвардия органлари жамоат тартибини сақлашда фақат профилактика инспектори билан эмас Ички ишлар органларининг бошқа хизматлари билан хам хамкорликни амалга оширади масалан, тергов бўлими ва бўлинмалари билан ҳамкорлик қуйидагиларда намоён бўлади: ҳудудда жойлашган турли қурилиш, ишлаб чиқариш, савдо қилиш жойлари, товар моддий бойликларни сакловчи халқ хўжалиги иншоотлари, корхона, муассаса, ташкилотларда иқтисодий соҳадаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаб ва шароитларни ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш бўйича ўзаро ахборот алмашинади. Миллий гвардия органлари ходимларининг терговчилар билан ҳамкорлиги, айниқса, тергов ишларининг дастлабки босқичларида муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, терговнинг яхши бориши дастлабки иссиқ издан олиб борилган ҳаракатлар суръати ва сифатига, аввалambор, жиноят жойини кўздан кечиришга боғлиқдир. ИИО ходимлари хизмат вазифаларига мувофиқ, тезкор тергов гуруҳи жиноят жойини кўздан кечириш вақтида, у жойда жамоат тартибини саклашда, оператив тергов гуруҳи воқеа жойига тез вақтда етиб келгунича, воқеа жойи (излар, далилий ашёлар)ни Миллий гвардия органлари қўриклаш бўйича мустақил равишда иш юритиш, жабрланувчиларни аниқлаш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этадилар ҳамда гумонланувчиларни ушлаш бўйича тадбирларни амалга оширишга мажбурдирлар.

[1] Шавкат Мирзиёев Ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига йўллаган табригидан. https://president.uz/uz/lists/view/8593.

Оммавий тадбирлар жараёнида профилактика инспектори зиммасига жамоат тартибини сақлаш, ҳар бир фуқаронинг хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўйича асосий вазифалари юклатилади.

Оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тартиби ва қатнашчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Республика ҳудудида оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, террорчилик қўпорувчилик ва фуқароларни гаровга олиш билан боғлиқ бўлган жиноий ҳаракатларнинг олдини олиш ҳамда фавқулодда вазиятлар юзага келганда уларни оғир оқибатларсиз бартараф этиш мақсадида бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги «Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 205-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг 2015 йил 7 июлдаги «Оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш давомида жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 112-сонли буйруғи ички ишлар органлари, шу жумладан маъмурий ҳудуддаги тадбирларни ўтказиш жараёнида профилактика инспекторининг фаолиятини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади[2].

Шу ўринда, аввало оммавий тадбирларнинг турлари ва уларни ўтказиш тартибига тўхталишдан аввал, унинг луғавий маъносига алоҳида эътибор қаратсак. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «оммавий» сўзининг моҳиятига «оммага, кўпчиликка оид, кўпчилик томонидан ёки омма орасида бажариладиган оммавий иш, оммавий ҳаракатлар» деб изоҳ берилган. **Оммавий тадбир деб** – 100 ва ундан кўп кишиларнинг иштирокида ижтимоий-сиёсий (анжуманлар, конференциялар, съездлар ва бошқалар), маданий-оммавий ва кўнгилочар-томоша дастурлари (мусиқий, адабий ва бошқа фестиваллар, концерт, театр, спорт, реклама тадбирлари, халқ сайиллари, цирк, миллий намойишлар ва ўйинлар, кўриктанловлар ва бошқалар), шунингдек умумхалқ, диний, касб байрамларини ўтказиш мақсадида оммавий тадбирни ўтказиш объектида ташкил қилинадиган фуқароларнинг биргаликда қатнашишларига айтилади[3].

Рухсат этилган оммавий тадбирлар – кўнгилочар, театр-томоша, концерт, спорт, реклама дастурлари ва бошқа дам олиш дастурлари, умумхалқ, диний, профессионал байрамлар ҳамда митинг, йиғилиш, намойишларни ўтказиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан очиқ ва ёпиқ иншоотларда,

[2] Ички ишлар органлари профилактик фаолияти дарслиги 244-бет.
[3] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги «Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 205-сонли қарори.

майдонларда, биноларда ва бошқа жойларда тегишли орган ва идоралардан рухсат олган ҳолда ташкил этиладиган тадбирлар; Рухсат этилмаган оммавий тадбирлар – тегишли давлат органлари ва органларидан рухсат олмасдан ташкил қилинадиган митинг, йиғилиш, намойиш ва кўча юришлари[4].

Оммавий тадбирлар ўтказиш ҳудудига кўра туман –шаҳар, вилоят миқёсида, республика ва халқаро миқёсдаги турларга бўлинади. Оммавий тадбирларнинг мазмуни ва йўналишига қараб қуйидаги турларга бўлиш мумкин: – ижтимоий-сиёсий ; – маданий-маънавий ва кўнгилочар-томоша дастурлари; – спорт-томоша; – диний маросимлар; – касб байрамлари. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳудудда ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этиши ва унда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашда Миллий гвардия органлари ходимлари билан ҳамкорликда белгиланган вазифаларни бажариши ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг назорат шаклларидан бири ҳисобланади.

Профилактика инспекторининг маъмурий ҳудудда ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этиши ва унда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашда соҳавий хизмат ходимлари билан ҳамкорликда белгиланган вазифаларни бажариши ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг назорат шаклларидан бири ҳисобланади. Умуман олганда оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашнинг мақсади фавқулодда ҳолат ёки ҳодиса юз беришини олдини олиш асосий вазифага айланади. Бошқача айтганда, оммавий тадбир рисоладагидек ўтганида жамоат тартиби улар ўтказиладиган жойларда юзага келадиган муайян ижтимоий муносабатларнинг мажмуи сифатида тавсифланади. Ушбу ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши ва ривожланиши, бир томондан, фуқароларга ўзларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари, бошқа томондан давлат, гуруҳлар ва шахсий манфаатларнинг хавфсизлик талабларига риоя этган, шахс шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинган ҳолда уйғунлашиши учун ташқи шароитни таъминлаш имконини беради.

Профилактика инспектори оммавий тадбирларни ўтказиш босқичида қуйидаги ташкилий тадбирлар амалга оширилишини ташкил этади: а) оммавий тадбир бошланишидан олдин хизматга жалб этилган куч ва воситалар тақсимоти асосида зоналар, участкалар, секторлар, минбарлар, постлар, ҳалқалар, занжирлар, назорат ўтказиш жойлари ва бошқа постлар ҳақида маълумотлар тақдим этади; б) хизматга жалб этилган ходимларни ҳудудда истиқомат қилаётган илгари судланган, маъмурий назоратда турувчи, гиёҳванд ва

[4] Ички ишлар органлари профилактик фаолияти дарслиги 244-бет.

сурункали ичкиликбозлар ҳамда ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар билан таништиради; в) хизматга жалб этилган ходимларга таянч пункти жойлашган манзил, телефон рақами ва ўзининг телефон рақами ҳамда рация бўйича чақирув рақамини тақдим этади. Тезкор-қидирув тадбирларида террорчилик-қўпорувчилик, фуқароларни гаровга олиш билан боғлиқ бўлган жиноий ҳаракатлар ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида объектнинг яқин ва узоқ атроф ҳудудларида, иншоотга кириш-чиқиш жойларида ва унинг ички қисмида фуқаролар кузатилади, шубҳали туюлган фуқароларнинг ҳужжатларини текширилиб, шахсини аниқлаш чоралари кўрилади.

Хулоса қилиб айтганда профилактика инспектори ҳудудида ўтказиладиган оммавий тадбирларни ўтказишда Миллий гвардия органи ходимлари билан фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган талабларни бажарилишини амалга оширади ва назоратга олади. Юқоридаги маълумотларга эга бўлиши эса оммавий тадбирлар ўтказиш жараёнида ҳам жамоат тартини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб ҳар қандай салбий ҳолатни ўз вақтида аниқлаб уни бартараф этиш имконини оширади. Профилактика инспекторларининг Миллий гвардия органлари билан ҳамкорлиги жамоат ҳавфсизлигини ишончли таъминланишига ҳизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев Ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига йўллаган табригидан. https://president.uz/uz/lists/view/8593.
2. Ички ишлар органлари профилактик фаолияти дарслиги 244-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги «Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 205-сонли қарори.
4. Бобур, Мустофақулов, Асрор Ўғли, and Ниятулло Жаҳонгир Ўғли Аҳмадқулов. "профилактика инспектори томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш фаолиятини такомиллаштириш." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2 (2024): 58-62.
5. Бобур, Мустофақулов, Асрор Ўғли, and Асадбек Аброр Ўғли Абдухалилов. "профилактика инспекторининг нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлигини такомиллаштириш." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.1-2 (2024): 130-136.
6. Мустофақулов Б. А. Ў., Шодмонов Д. Э. Ў. профилактика инспекторининг патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 47-51.

7. Мустофақулов, Б. А. Ў., & Эшонқулов, Ё. Х. Ў. (2025). ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш фаолиятини такомиллаштириш. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(4), 126-132.
8. Мустофақулов , Б. ., & Икрамов, О. . (2025). профилактика инспекторининг ёш авлодни терроризм, экстремизм ва бошқа иллатлардан ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш.
9. Мустофақулов, Бобур Асрор Ўғли, and Синдор Жомғир Ўғли Жумаев. "профилактика инспекторининг сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар билан ишлаш бўйича профилактикасини такомиллаштириш." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.4 (2025): 140-146.
10. Бобур, Мустофақулов, Асрор Ўғли, and Умиджон Жамолиддин Ўғли Обиджонов. "профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2-2 (2024): 33-39.
11. Қадамович Б. Ҳ., Худойбердиев С. О. Ў. БОЖХОНА ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ: ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАХСУС ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 62-66.
12. Қадамович Б. Ҳ., Узоқов Ф. Ф. Ў. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 88-93.